

**Аҳоли хонадонларига замонавий газ хисоблагич ўрнатиш ишлари билан шуғилланувчи қурилиш ташкилоти ва фирмаларни ишга жалб этамиз**

**1 дона** газ ҳисоблагич ўрнатиш учун ҳовли уйларга **144647 сўм**, кўп қаватли уйларга **115279 сўм** тўлов миқдори белгиланган.

Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотлари бир кунда камида **80(саксон)** дона, бир ойда **2000( икки минг)** дона газ ҳисоблагич ўрнатиш керак.

Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотлари томонидан ўрнатилаётган ҳар бир газ ҳисоблагич ўрнатилганлиги бўйича хонадон кесимида реестр қилиб буюртмачига топширади.

Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотлари ўзи ёки субпурдатчилар томонидан обьектни газ тармоқларига тайёр ҳолда улаш ишларида қўлланиладиган ўз ҳисобидан олинган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга, стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёхуд бошқа хужжатларга эга бўлиши керак.

Объект топширилгандан сўнг 6 ойлик кафолат муддат ичида бажарилган ишлар бўйича аниқланган нуқсон ва камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этиши керак.

Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотлари “O’ZGAZLOYIHA” МЧЖ институтида ишлаб чиқилган ва 2020 йил 1 июнда “Hududgazta’mont” АЖ билан келишилган O’sten маркали электрон газ ҳисоблагичларни лойиха асосида ўрнатиш йўриқномаси асосида хонадонга электрон газ ҳисоблагични ўрнатиши керак.

Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотлари хонадонга O’sten маркали электрон газ ҳисоблагичларни ўрнатиш жараёнида хонадон эгасидан бажарилган хизмат учун маблағ ва ўрнатиш учун зарур эҳтиёт қисмларни талаб этмайди;

**Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотларига ҳовли уйлар учун газ хисоблагич, ҳимоя қутиси ва табиий газ босими икки босқичли тизимга ўтган маҳалаларга регулятор берилади.**

**Қолган эхтиёт қисмлар ўз маблағлари ҳисобига олиб ўрнатади.**

Д-20 мм темир қувур- 1метр

Газ фильтр- 1 дона

Переходник Д-32мм- 2 дона

Отвод Д-20мм- 4 дона

Калта резба Д-20 мм- 4 дона

Карбид кальций - 0.49 кг

Кимлород м3- 0.16

Пайвандлаш сим- 0.23

**Рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотларига кўп қаватли уйлар учун газ хисоблагич берилади.**

**Қолган эхтиёт қисмлар ўз маблағлари ҳисобига олиб ўрнатади.**

Д-20 мм темир қувур- 1метр

Переходник Д-32мм- 2 дона

Отвод Д-20мм- 4 дона

Калта резба Д-20 мм- 4 дона

Карбид кальций - 0.49 кг

Кимлород м3- 0.16

Пайвандлаш сим- 0.23

**“Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти  
филиали биринчи ўринбосари**

**Ф.Каримов**

**“Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти  
Филиали ТГҲНАТни вилоят бўйича  
жорий этиш хизмати бошлиғи**

**С.Худойбердиев**